



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



# Маҳалла

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## САРҲИСОБ

### Устувор вазифалар муҳокама қилинди

Мозийга қараб иш тутуш хайрлидир, дейди доно ҳалқимиз. Бу эзгу анъанага мувофиқ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ва бўлимлари ходимлари бир давра атрофида йиғилишди. Кексаларни эъзозлаш йилида амалга оширилган ишлар ҳоли ва ҳаққоний таҳлил қилиниб, кўлга киритилган ютуқлар билан бирга, боё берилган имкониятлар манқиллий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.



Дарҳақиқат, Кексаларни эъзозлаш йилида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам нурунийларни қадрлаш, саломатликларини тиклаш, улар учун кўшимча қулайликлар яратиш, машиий шароитларни яхшилашдек инсонпарварлик гоёларига йўғрилган тadbирлар қамрови янада кенгайди. Бу ҳақда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг 2015 йил фаолият якунларига бағишланган ҳисобот йиғилишида айтиб ўтилди.

Фонднинг республика бошқаруви масъул ходимлари, худудий бўлим ва бўлимлар раислари иштирокида ўтган ҳисобот йиғилишида қайд этилишича, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик, «оммавий маданият» каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда, таълим муассасаларида уч мингта яқин давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Аҳолига соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларни мустаҳкамлаш, эрта турмушнинг олдини олиш каби йўналишларда тарғибот тadbирлари ўтказилди. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари худудларидаги тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Ҳисобот даврида кексаларни эъзозлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатликларини тиклаш, маҳаллаларга зарур шарт-шароитларни яратиш бериш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Ажиниёз Миножов. — Жумладан, 85 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари-

ни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга замонавий телевизор топирилди. Фонд тизимида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш анъанага айланган. Ушбу хайрли анъана поёнига етган йилда ҳам давом эттирилиб, кам таъминланган, ёлғиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кексаларнинг уйлари тaъмирлаш ишларига 118 млн. 700 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, уларга 78 млн. 540 минг сўмлик уй-рўзгор буюмлари олиб беришга кўмаклашилди. Хўжайли ва Чимбой туманларидаги Мурувват уйларида яшаётган 367 нафар фуқаро 50 млн. сўмлик кийим-бош, гигиена воситалари билан таъминланди.

Кексаларни эъзозлаш йилида Фонд бўлими томонидан олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида таълим олаётган жисмоний имконияти чекланган ҳамда боқувчисини йўқотган 32 нафар талабанинڭ ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилди.

Яқинда етган йилда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Фуқаролар йиғинларига 201 млн. 170 минг сўмлик компьютер жамланмаси ва мебель жиҳозлари берилди. Шунингдек, йиғинларнинг ўз балансидаги иморатлар билан таъмирлаш учун Фонд ҳисобидан 356 млн. 680 минг сўм ажратилди.

Йил сарҳисобида 2016 йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари сайловини юқори савияда ўтказиш, раислар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар орасидан сайланишини таъминлаш, «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самардорлигини янада оширишга қаратилган кўшимча чора-тadbирлар Дастури»да белгиланган вазифалар ижросини бажариш каби устувор вазифалар белгилаб олинди.

Қизгин мунозараларга бой, ишчан ва танқидий руҳда ўтган йил сарҳисоби йиғилиши сўнггида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рустам ЮСУПОВ  
«Mahalla»

## ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги фармони юртимиз аёлларини ижтимоий фаолаштириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, тadbиркорликка жалб қилиш каби устувор йўналишлардаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтарди.



Носир ХАЙИДРОВ олган сурат.

### Маслаҳатчи малака ва маҳорат мактабида

Айниқса, ушбу муҳим ҳужжатга мувофиқ, фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши хотин-қизларнинг оилада ҳам, давлат ва жамият ҳаётида ҳам нуфузининг юксалишига замин яратиш, ўтган қисқа давр мобайнида улкан натижаларни туҳфа этди. Бугунги кунда маслаҳатчи аёллар ма-

ҳаланинڭ фаолият доирасини кенгайтириш ва нуфузини янада оширишда, тизимга оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда кенг қамровли ишларни муваффақият билан амалга ошириб келмоқдалар.

Сўнгги йилларда юзлаб маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлиги ҳукм сураётгани, бир неча йилдан буён нафақат жиноятчилик, балки қонунбузи-

лиши ёки ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳам кузатилмагани, оилалардаги келишмовчиликлар, низолар барҳам топиб, қўниқўшничилик, қандайдандилик, қариндош-уруғчилик анъаналари, байналмилаллик гоёлари юксалиб бораётганида ана шу фидойи аёлларнинг ҳиссаси бор.

Биргина Тошкент вилояти маҳаллалари фаолиятига оид кўрсаткичга назар ташлайдиган бўлсак, маслаҳатчи-

ларнинг саъй-ҳаракати билан ўтган 2015 йил давомида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари 91 тага, нотинч оилалар сони 567 тага камайганига гувоҳ бўламиз. Қувонарлиси, вилоятдаги 584 та фуқаролар йиғинида бирорта ҳам жиноят содир этилмаган.

(Давоми 2-бетда.)

## БАРКАМОЛ АВЛОД

### Фарзандлар иқболи — юртнинг таянчи



Уза сурати.

Юртдошларимиздан олий мақсадингиз нима деб сўрасангиз, болаларимнинг бахту саодати, камолини кўриш, деб жавоб беради. Чунки оилапарвар халқимизнинг барча орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмуни фарзандлари билан боғлиқ.

Шундан бўлса керак, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор, ёшларга оид давлат сисъати халқимиз қалбидан чуқур жой олган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2016 йилни Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиш ҳақидаги тақдирини халқимиз катта мумнуният билан қабул қилди. Аввалги йилларда амалга оширилган эзгу ишлар натижаси ўлароқ, бу борадаги ислохотларга ишонч янада мустаҳкамланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб аҳоли саломатлигини асраш, тиббий хизматни жаҳон андозалари даражасига етказиш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш вазифаси тиббий-ижтимоий ислохотларнинг устувор

йўналиши этиб белгиланди. Аввало, бу борадаги тadbирларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, тегишли давлат дастурларида белгиланган вазифалар тарзини қарор топтиришга қаратилаётган тadbирлар, айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда оилавий поликлиникалар билан самарали ҳамкорлик оналик ва болаликни асраш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқени юксалтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## САХОВАТ САЛМОҒИ

### Мурувватдан рангин дунё

Аббос Одилов Термиз шаҳридаги «Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. У тенгдошларидек мактабга қатнаб, манафусда чопқиллаб ўйнаёлмайди.

Имконияти чекланган ўсмир кўкда парвоз қилаётган қўшларнинг, маҳалла гузарига қад ростлаган кўркам биноларнинг суратини чизади. Яқинда у чизган расмлари билан маҳаллада ўтказилган «Иқтидорим — иқболим» мавзусидаги кўргазмада иштирок этди. Йиғин раиси ўша тadbирда Аббос билан дилдан суҳбатлашди ва боланинڭ расмолликка қизиқишини, аммо санъатнинг бу турини билан мунтазам шуғулланиши учун керакли асбоб-ускуналари йўқлигини билди.

Эртаси кун раис турфа бўёқлар, қоғоз, қаламларни олиб Аббосни кўргани келди.

— Меҳр-оқибат, саховат каби халқимизга хос фазилатлар асли маҳаллада сайқал топади, — дейди йиғин раиси Ақром Раҳмонов. — Мурувват ва эътибор огушида улғаяётган фарзандларимиз кўплаб муваффақиятларни кўлга киритяпти. «Мафтунок ранглар жилоси» кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этган Аббос Одилов иккинчи ўринни эгаллашди, албатта, бизни қувонтирди. Маҳалламиздаги эҳтиёжманд оилалар ва уларнинг фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий, маънавий рағбатлантиришга жиддий аҳамият қаратамиз. Уларга парранда, меваги дарахт кўчатлари улашишдек яхши анъанамиз бор. Бунинг натижасида эса аҳолимиз деҳқончилик, паррандачилик ва гулчилик билан шуғулланиб, шу орқали оилавий даромадларини оширишаётир. Шу пайтгача худудимиздаги 69 та оилага ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Аниқ йўналтирилган ижтимоий чора-тadbирлар туяйли улар сони камайди.

(Давоми 2-бетда.)

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

### Кучли, билимли, доно ва бахтиёр авлод

Эртанги кунимиз ёшларнинг тарбиясига, келажакда уларнинг қандай инсон бўлиб камол топишига боғлиқ. Шу боис истиқлол йилларида баркамол авлод таълим-тарбиясида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган пурмаёно сўзларида ҳам ана шундай эзгу гоё мужассам.

Маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, ёшлар тарбия-

сига қаратилаётган эътибор, уларни касб-хунарга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик иштирокида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «1-Қаторгол» маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг ушбу йўналишдаги тажрибасидан ибрат олса арзийди.

— Бизда азалдан оилада фарзанд тарбияси, унинг инсоний фазилатлар асосида вояга етишига алоҳида аҳамият бериб келинади, — дейди маҳалла раиси Исмоил Болтабоев. — Бундай масъулиятли ишда ота-она, устоз ва мураббийлар билан бир қаторда, қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг кўмаги, мададида доимо эҳтиёж сезилади. Зеро, навниҳолларнинг

маълум вақти оиласи давраси ёки таълим даргоҳларида, қолгани маҳаллада ўтади. «Бир болага етти қўшни ота-она» ёхуд «Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг» сингари мақоллар ҳам шундан келиб чиққан. Ўзини оқлаган бундай тажриба сабаб бутун маҳалла институти халқчил идора сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, мазкур йўналишдаги ишлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий, маданий, сиёсий таъсир кучини оширишга хизмат қилаётди. Шу туяйли фаолиятимизда асрлар синовидан ўтган шарқона анъаналарни қарор топтиришга, ёшлар тарбияси масаласига жамоатчилик эътиборини қаратишга алоҳида аҳамият берамиз. Меҳнатимиз бесамар кетмаётгани фаолиятимизга доир кўрсаткичлардан аён.



(Давоми 2-бетда.)

БАРКАМОЛ АВЛОД

# Фарзандлар иқболи — юртнинг таянчи



< [1]

«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлимчалари Соғлом она ва бола йилида амалга ошириши лозим бўлган тadbирлар режасини тuzган. Хусусан, Фонднинг Андижон вилояти бўлими олдинги йиллардаги вазифаларни изчиллик билан давом эттиришини, шунингдек, жойларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда йил давомида «Соғлом она ва бола йилининг мақсад ва вазифалари», «Оилаларда соғлом маънавий муҳитни таъминлашнинг аҳамияти», «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақкам бўлади», «Миллий либослар — аёлларимиз кўрки» каби мавзуларда тарғибот ишлари, турли тadbирлар ташкил этишни мақсад қилган.

— Соғлом она ва бола йилида ўтган йиллардаги эзгу сай-ҳаракатлар давом эттирилади, мазкур йўналишдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва юксак босқичга кўтаришдек долзарб вазифалар амалга оширилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси Одинахон Ибрагимова. — Бу, шубҳасиз, Фонд ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Ушбу йилга мўлжалланган дастурий чора-тadbирларимиз режасини белгилаб олдик. Фуқаролар йиғинларида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган «Оила мустақкамчилиги учун масъул!» тарғибот лойиҳасини амалга оширишни режалаштирганмиз.

Вилоят маҳаллаларида ўзига хос тахриба қўллаб келинади, яъни маҳалла фаоллари билан ҚВП жамоаси ҳамкорлигида ҳудуд аҳолисининг саломатлиги тарғиботи учун ҳар кuni 6 соат вақт ажратилган. Бунда тиббиёт масканининг ходими ўзига бириктирилган маҳалла фаоли билан ҳафта давомида 36 соат аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш юзасидан иш олиб боради. Душанба нурунийлар, сешанба ҳомилалар аёллар, чоршанба ўсмирлар ва болалар, пайшанба аҳоли хонадонларида, жума хотин-қизлар, шанба эса ўқув муассасалари куни сифатида белгиланган.

Ушбу ҳаракат самараси ўлароқ, маҳаллаларда эрта ҳомилдорликнинг олди олинди, қон-қариндошлар, воғга етмаганлар ўртасидаги никоҳга чек қўйилмоқда. Туғма ногирон болаларнинг дунёга келиши қисқарди. Туғуруқлар оралиги 3 ва ундан ортқк йилга чўзилди. Уртача умр кўриш муддати узайди. Ёшлар орасида гиёҳвандлик, ОИТС виллатларига чалинганлар йўқ, вилоятда аҳолининг тиббий маданияти ошди. Эндиликда ҳар бир фуқаро ўз саломатлигига ўзи қайғуриши кераклиги ҳақида етарлича билим ва тасаввурга эга бўлди.

— Андижон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласига хизмат кўрсатамиз, — дейди 1-оилавий поли-

ликлиника шифокори Нодирахон Матисаева. — Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Матлубахон Саидова билан хонадонларга кунора ташриф буюраемиз. Фаоллар билан ҳамкорликда ўтказилаётган давра суҳбатларида инсон ўз саломатлиги ҳақида, энг аввало, ўзи қайғуриши кераклигини аҳолига тушунтирамиз. Айниқса, бўлгуси оналар билан суҳбатларнинг таъсири катта бўлади.

О.Ибрагимованинг айтишича, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан йил давомида амалга оширилган зарур бўлган ишлар кўлами белгилаб олинди. Ҳозир вилоят аҳолисига 10097 ўринга эга 36 та шифохона, 355 та амбулатория поликлиника муассасаси, 18 та давлат санитария эпидемиология назорати маркази, 17 та тез тиббий ёрдам бўлимлари сифатли хизмат кўрсатмоқда. Тез тиббий ёрдам тизими янги ташхис ва даволаш ускуналари ва махсус автотранспортлар билан таъминланган. Ўтган йилнинг ўзида «Isuzi» русумли тез ёрдам автомашинаси Андижон шаҳар тез тиббий ёрдам бўлимига, 4 та «Damas» русумли автомашина Булоқбоши туман тиббиёт бирлашмасига берилди.

Жорий йилда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида вилоят пилот регион сифатида белгиланди. Тиббиёт бирлашмалари, марказий поликлиникаларда фаолият кўрсатувчи тор соҳа мутахассислари ва лаборатория хоналари учун зарур бўлган замонавий тиббий жиҳозлар таъминоти мустақкамланади.

Аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 350 ўринли Республика шошилик тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали, унинг шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари таркибидаги жами 420 ўринли субфилиаллар ташкил қилинган. Хирургия, терапия ва педиатрия соҳалари бўйича шошилик стационар хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Репродуктив саломатлик борасида блок дастурлари асосида Ҳўжабод, Андижон, Олтинқўл, Бўз туманларидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида, кишлоқ врачлик пунктларида фаолият олиб бораётган патронаж ҳамширалар ўртасида семинар-тренинглр ўтказилмоқда. Шунингдек, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини истеъмолдан воз кечиш мавзуларида суҳбатлар ёшларнинг фаоллигида ташкил этилаётир.

Мухтасар айтганда, мустақкамликнинг кутлуғ 25 йиллиги кенг нишонланганидан йилда катта режа ва мақсадлар билан яшаш ҳар биримизнинг ҳаёти-мизда ёрқин саҳифалар очади. Андижонликлар ана шу буюк санияти ошди. Эндиликда ҳар бир фуқаро ўз саломатлигига ўзи қайғуриши кераклиги ҳақида етарлича билим ва тасаввурга эга бўлди.

✦ **Гулжаҳон ЖАББОРОВА.**

ЎҚУВ-СЕМИНАР

# Маслаҳатчи малака ва маҳорат мактабида

< [1]

Дарҳақиқат, маҳалланинг таъсир кўлами кенг, шу боис қадрдон тузилманинг муваффақиятлари ҳам бисёр, маслаҳатчи аёлларнинг тахрибаси йилдан-йилга бойиб бораётир. Бироқ бугунги шилдаткор замонада ютуқлардан қониқиш, фаолиятда «қотиб қолиш» ярамайди. Аксинча, дунёнинг турли бурчакларида рўй бераётган ҳодисалар, инсон онги ва қалбини забт этиш, кишиларни ўзлигиндан, маънавиятидан жудо этишга қаратилган тахдишлар, турли кўринишлардаги «оммавий маданият» иллатлари, наркотрафикнинг авж олиши ҳар биримиздан келажак ҳақида чуқур мушоҳада юритишни, тезкор чора кўриш, илгор ташаббус ва саъй-ҳаракатни талаб этади. Инчунин, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳам ушбу жараёнда фидойилик кўрсатишда кенг билим ва тафаккурга, услубий ва амалий кўнимага эга бўлиши, ҳар қандай масалага ҳозиржавоб бўлиб, ҳар бир вазиятда оқилол йўл тутта билиши муҳимдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2015 йил 24 ноябрдаги «Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги 51-сонли йиғинлиги баёни ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 2 февралдан 5 мартга қадар республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида маслаҳатчи учун ўқув-семинарлари ўтказиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган ушбу тadbир маслаҳатчиларнинг фаолиятини янада тақомиллаштиришда қўл келади.

Тошкент вилояти Янгийўл туманида ташкил этилган ўқув-семинарда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини тақомиллаштириш масалалари алоҳида эътибор қаратилди. Халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатига мутлақо ёт бўлган гоғларнинг тарқалишига қарши кураш, баркамол авлодни тарбиялашга доир тажрибалар ўртоқлашилди, аниқ асосли мулоҳазалар тингланди.

Маслаҳатчи аёлларга ижтимоий фаол деб таъриф беришнинг ўзи камлик қилади. Негатив, уларнинг ақсарияти маҳаллаларнинг қиёфасига, таъбир жоиз бўлса, виждонига айланиб улуғришган. Билими, дунёқараш, маънавий-ахлоқий хусусиятлари, қийинчи маданияти, иш фаолиятига муносабати, камтарин ва мулоийлиги, ўрни келганда чўрткесарлиги ва қатъий, нотикин маҳорати, қисқаси, ҳар бир хатти-ҳаракати билан маҳалладошларига ўрнат



бўлиб келаётган маслаҳатчилар мутомаънода маҳалланинг қай-вониларидир. Шундай экан, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар бундан-да юқори наатижаларни қўлга киритишга, барчани ҳамжиҳатликка ундаб, ойдин мақсадлар сари сафарбар этишга қодирлар.

Баҳс-мунозараларга бой руҳда ўтган ўқув-семинарларда янгийўллик маслаҳатчилар бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

— Маҳалламизда 11 та миллат вакиллари тинч, тотув ва ҳамжиҳат умргузaronлик қилмоқда, — дейди Янгийўл тумани Муқимий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳанифа Ҳайдарова. — Бу

эса оилалардаги ранг-баранг мутомаъно ва қадриятлар хилма-хиллигини юзга келтирган. Тили, дини, расм-русумлари турлича бўлса-да, маҳалладошларнинг дили бир, орзу-мақсадлари уйғун. Аммо камчиликлардан ҳам холи эмасмиз. Фаолиятимиздаги оқсашларни бартароф этишда касбий ва бошқарув маҳоратимизни мунтазам янгиллаб боришимиз, бутунгидек семинарларда муайян кўникмаларга эга бўлишимиз муҳимдир. Маърузаларда илгари сурилган долзарб вазифалар, тақлиф ва тавсиялар фаолиятимизни тақомиллаштиришда асқотати, албатта.

Шунингдек, диний ташкилотлар вакиллари ўзи маърузаларда дин ниқоби остида иш тутётган кўпоровувилар, турли йўللр билан жамиятимизга суққилиб киришга уринаётган бузғунчи гоғлар ҳақида кенг маълумот беришди. Маслаҳатчи ла-

возими «диний маърифат» билиркмаси билан бирга қўлланади. Зеро, маҳалладаги маънавий муҳит ҳақида гап кетганда, аввало, маслаҳатчининг ўзи теран диний билимга эга бўлиши лозимлиги таъкидланади. Интернет тармоғи орқали ўз гоғсини тарқатаётган қора кучларга қарши туришда замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан ишлаш, тезкорлик, огоҳлик ва ҳушёрлик бирдек муҳим. Маърузаларда маслаҳатчиларнинг бу борадаги билимлари мустақкамланди.

Семинар жараёнида маслаҳатчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Ўқув-семинарлар республикамиз бўйлаб уюшқоқлик билан қизгин давом этаётир.

✦ **Юлдуз ХОЖИЕВА «Mahalla»**

САХОВАТ САЛМОҒИ

# Мурувватдан рангин дунё



< [1]

«Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғинида аниқ режа асосида якка-ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар, ногирон ҳамда беморлар, шунингдек, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинади. Ўтган вақт мобайнида ҳомийлар ҳисобидан ўн икки нафар боқувчисини йўқотган оила фарзандларига қишқи кийим-

бош олиб берилган бўлса, етти нафар кам таъминланган хонадонларга ўн икки турдаги озиқ-овқат махсулотлари тарқатилди. Бундай эзгу қадриятлар замирида, албатта, халқимизга хос инсонпарварлик, саховатпешалик фазилатлари мужассам.

— Турмуш ўртоғим автоҳалокатга учраб, ногирон бўлиб қолганидан кейин анча қийналдик, — дейди С.Жамолова. — Шундан сўнг кекса қайнонамга қараш, рўзгорни бутлаш,

икки нафар фарзандимга мактабда тахсил олиши учун шароит яратиб бериш бир ўзимга оғирлик қилди. Фаррошлик қилиб топган маблағим кундалик эҳтиёжлардан ортмасди. Хуллас, етишмовчиликлар сабаб маҳаллага мурожаат қилдим. Уларнинг беминнат ёрдами билан ҳозир фарзандларим мактабда тахсилини давом эттиришмоқда. Маҳалла томонидан берилган 30 бош жўжани боқиб кўпайтиряпмиз. Йиғинимиз фаолларининг меҳрибончилиги, моддий ва маънавий мадади билан рўзгоримизга кут-барака кирди.

Маҳаллада эҳтиёманд оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаб, ўзларини тиклаб олишлари учун берилаётган бундай амалий ёрдамлар боис инсонлар қалбида эртанги кунга умид, ишонч уйғонади. Аббосжон сингари эртаси эгаларининг эса дунёни турфа, тўзал рангларда кўриши ҳам мурувватнинг ҳиссаси беқиёс.

✦ **Нигина ШОЕВА «Mahalla»**

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# Кучли, билимли, доно ва бахтиёр авлод

< [1]

Дарҳақиқат, йиғинда 1900 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилса, уларнинг 500 нафарга яқини мактаб ва мактаб ёшигача бўлган болалардир. Бу эса йиғин қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия фаолларидан, биринчи навбатда, таълим муассасалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб этади.

— Тарбияда сусткашликка йўл қўйиш тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келади, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мухайй Ибрагимова. — Шу мақсадда ҳудуддаги 179-, 183-умумтаълим мактаблари мутасаддилари билан биргаликда ўқувчи-ёшларнинг давомати, қолаверса, фанларни ўзлаштиришни тахсил этиб борамиз. Очiq дарсларда йиғин ходимлари, албатта, иштирок

этади. Турли тadbирларда, жамоат ишларида фарзандларимизнинг фаоллиги кўзга ташланади. Шу билан бирга, айрим ўқувчилар хулқидagi камчиликлар ойдinлашиб, биргаликда бундай муаммоларни ҳал этиш имкони ҳам ортади.

Яқинда коллеж ўқувчилари Нодиржон Ҳамидов ҳамда Абдулазиз Каримжоновнинг давомати пасайиб, улар кўп вақтини интернет-кафедаларда ўтказишаётгани маълум бўлди. Фаоллар маслаҳатлашиб, Нодиржонни сартарош устага шоғирликка бердик, Абдулазизни қизиқишлари билан келиб чиқиб, футбол тўғрарига жалб этдик. Бутун бу каби тўғаракларда 100 нафардан зиёд маҳалла ёши чиниқаётгани, ҳунар эгаллаб эртанги кунга дадил одимлаётгани қувонарли.

Йиғин фаолияти билан яқиндан танишарканмиз, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласида ҳам фаол жамоатчилик назорати ўрнатилганига гувоҳ бўлдик.

✦ **Улғубек ШОНАЗАРОВ «Mahalla»**

ГУРУНГ

# Аҳилликнинг ҳикмати бисёр

Самарқанда шаҳри «Янги Хайробод» маҳалласидаги Назаровлар оиласида қайнона-кекин ўртасидаги келишмовчилик сабаб хонадондагиларнинг тинччи йўқолди. Оқибатда келин отасининг уйига кетиб қолди. Бундан хабар топган маҳалла фаоллари урганга панд-насихат қилишди, вазиятни ўрғунга куа томон билан ҳам тушунтириш ишларини олиб боришди. Ниҳоят, келин уйига қайтди...

Ҳар бир оиланинг шароити, ундаги муаммо ва вазияти маҳалла фаолларидан яхшироқ биладишлар топиламан керак. Шу боис ҳудудда учраб турадиган низо, жанжалларга маҳаллада обрўли инсонлар аралашини маъна ҳақи. Шунинг учун Самарқанд шаҳридаги «Янги Хайробод» маҳалла фуқаролар йиғинининг Яраштириш комиссияси таркибидан кекса отахонлар, тахрибали ўқитувчи ва ҳуқуқшунослр жой олишган.

— Оиладаги муҳит унинг бошлиқлари маънавиятига боғлиқ, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Яраштириш комиссияси аъзоси Хуррам Қосимова. — Шу боис йиғинимизда нафақат аёллар, шунингдек, оила бошлиғи — эркакларга ҳам эътибор қаратилаётир. Аёл кишининг сабри, эркак кишининг қатъияти, масъулияти оиланинг тотулиги ва равнақини таъминлайди. Буни учрашув ва суҳбатларда аниқ ҳаётий мисоллар билан тушунтириб беришимиз. Натижалда 541 та оила истиқомат қиладиган ҳудудимизда низоли ҳолатлар йил сайин камайиб бормоқда. Ўрни келганда айтиш мумкинки, бу йил ажралиш арафасидаги олгита оила фаолларимиз саъй-ҳаракатлари билан сақлаб қолинди.

Халқимизнинг отага ҳурмат, онага эътибор, катталарнинг гап-сўзлари, насихатига қўлоқ тутиш каби асрий анъаналари бардавом. Самарқанд шаҳридаги йиғинлар, жумладан, «Янги Хайробод» маҳалласида ушбу қадриятлар амалда қўлланилаётгани ҳудуддаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мақсадимиз фақат низо ёки бирор кўнгилсизликни бартароф қилишдан иборат эмас, — дейди фуқаролар йиғини қошидаги Яраштириш комиссияси аъзоси, «Қонун» адвокатлик фирмаси адвокати Шавкат Аҳмедов. — Бутун комиссия зиммасига юкланаётган талаблар анча залворли.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳудудда аҳоли турмуш шароитининг яхшиланиши турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бош омил. Маҳаллада миллий қадриятларимиз, рўзгор тутумлари, қайнона-кекин муносабатларига доир танловлар ўтказиб келинади.

✦ **Ёқубжон МАРҚАЕВ «Mahalla»**

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# Маънавий камолот йўлида



Дунёда фан-техника соҳаси тез суръатларда ривожланар экан, инсон табиий равишда унинг чексиз имкониятларини биланган, фойдаланганга интилади. Бугун ҳаётимизни, кундалик иш фаолиятимизни компьютер технологияларисиз тасаввур этиш қийин.

Зеро, интернет тармоғи кириб бормаган соҳа, ижтимоий қатлам қолмади. Бироқ кўнгилни хижил қилувчи бир ҳолат борки, ундан кўз юмиб бўлмайди. «Уртимчак тўри»нинг асосий фойдаланувчилари ёшлар ва ўсмирлар экани олдимизга бир қатор долзарб масалаларни қўймоқда.

— Ҳозирги кунда ёшларимиз интернет тармоқларида ўзларининг электрон почталарини очиб, мамлакатимизнинг, ҳатто дунёнинг исталган жойидаги одамлар билан танишади, суҳ-

батлашиб дўстлашади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси катта инспектори, капитан Максат Сражадинов. — «В Контакте», «одноклассники», «мой мир», «facebook», «агент» сингари омма-лашган ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтаётган ёшларимиз ўзлари тўғрисида тўлиқ маълумотларни, ҳатто оила аъзоларининг расмларини киритишади. Айнан мана шу жиҳат ортидан пайдо бўлаётган муаммолар бу-

гун нафақат бизда, балки бутун дунёда ҳам долзарб масалага айланган. Чунки кибержиноятчи-лар ва ноқонуний диний ташкилотлар учун бу маълумотлар ёшларни ўз тузоқларига илин-тиришда қўл келаётган.

Диний экстремизм ва терро-ристик ташкилотлар кўпинча ўзларининг интернетдаги саҳи-фаларига, одатда, муқаддас ис-лом динига тегишли бўлган гў-зал, қалбни ром этадиган расм-ларни жойлаштириб эътиборни тортишга интилишади. Бир қа-рашда беозор туолувчи бу ал-довларга ишонган, дунёқараш шакланмаган ўсмир бора-бора қандай қилиб улар тузоғига илинганини ва йўригига юрга-ни билмай қолади. Ғўрлиги-га бориб панд еганлар орасида

Амударё тумани Манғит шаҳри-да 1989 йилда туғилган Қувач Юсупов (исм-фамилияси ўзгар-тирилган) ҳам бор. У 2012 йили Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига ишлагани кетади ва ўша ерда қўл телефони орқали «odnoklassniki.ru» ижтимоий тар-моғида диний экстремистик го-яларни тарғиб қилувчи маъ-лумотлар, чақирувларни ўқиб боради. Ёт гоёлар таъсирига тушган ўсмир тез орада бузуғ-чилик акс этган «виртуал жамо-ат»га аъзо бўлади. Кейинчалик ўзи ҳам ана шундай маълумот-ларни тайёрлаб, интернет орка-ли тарқатиб, Сурия давлатига кетишни режалаштиради. Маз-кур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб тергов ишлари олиб борилди ҳамда унинг бу хатти-ҳаракатларига чек қўйилди.

Дарҳақиқат, боланинг тар-биясида бўшлиқ юзага келдики, унинг ташқи таъсирга тез бери-лувчан бўлиб қолишини ҳаёт-нинг ўзи кўрсатиб турибди.

— Ёшларимизнинг бундай ёт гоёларга берилиши, албатта, на-зоратсизликдан келиб чиқади, — дейди Қорақалпоқ давлат уни-верситети қошидаги 2-академик лицейнинг маънавий ва маъри-фат ишлари бўйича директор ўринбосари Сара Утешова. — Шу боис ўқувчиларни уяли телефон-лардан, интернетдан фойдала-ниши, кийиниши ва сўзлашиш ма-данияти борасидаги меъёрлар би-лан таништириб, турли иллатлар-нинг мазмун-моҳиятини тушун-

тириб бораемиз. Бу йўналишда-ги ишларни самарали олиб бо-ришда, албатта, ота-онанинг на-зорати ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жойларда ин-тернет-кафеларнинг фаолият юритиши бир томондан даромад топиш манбаи бўлса, иккинчи томондан ёшларнинг бўш вақт-ларида билимларини кенгайти-риш, зарур маълумотлар олиши-га кўмаклашиш учун имконият ҳамдир. Лекин бундай кафе-лар баъзан айрим ўсмирларнинг ол-тинга тенг вақтини беҳуда сарф-лайдиган жойга айлиниб қола-ётгани ҳам аниқ ҳақиқат.

— Ҳудудимизда битта интер-нет-кафе фаолият юритидади, — дейди Нукус шаҳридаги «Гузар» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчи-лик тузилмаси раҳбари Палу-анияз Сейтимов. — Ҳар кун и-кки кечки пайт интернет-кафе-дан хабар олиб тураемиз. Ёшларни кафеда узоқ вақт қолиб кетмас-ликка даъват этаемиз.

Ҳар бир ота-она фарзандига дунёдаги энг яхши неъматлар-ни раво қўради. Унинг бекаму кўст, бошқалардан кам бўлмай улғайишини истади. Бироқ моддийлик билан бирга маъна-вий камолоти йўлида ҳам ана шундай жонбозлик кўрсатсак, юртимизнинг чинакам келажак эгасини тарбиялаган бўламиз.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

## Талабаларга имкониятлар

**САВОЛ:**  
— Олий ўқув юртларида ўқиш учун талабаларга кредит берилдими? Берилса, қанча фоиз эвазига?

**А. ЭСОНОВ.**  
Музратб тумани.

**ЖАВОБ:**  
— Тижорат банклари республика олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон фуқаролари, уларнинг ота-оналари ва ва-сийларига Вазирият Маққамаси-нинг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кре-дитлари бериш тўғрисида»ги қа-рори асосида таълим тўлови учун таълим кредитлари ажратилади.

Таълим кредитлари бакалав-рият учун 10 йил, магистратура учун 5 йил муддатга берилди. Чин етимлар ва Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар, бола-ликдан I ва II гуруҳ ногиронла-ри ва кам таъминланган оила-лардан чиққанлар учун «0» фоиз ставка, яъни фоизсиз кредит аж-ратилади. Талабаларнинг қолган тоифаларига Ўзбекистон Респуб-ликаси Марказий банкнинг амал-даги қайта молиялаш ставка-сидан юқори бўлмаган ўзгарув-чи фоиз ставкалари белгилана-ди (ҳозирда йилга 9 фоиз).

**Гафур Жўраев,**  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Банк тизимида методология ишлари-ни мувофиқлаштириш бошқар-маси бошлиғи ўринбосари.

## Коллежда ишлашим мумкинми?

**САВОЛ:**  
— Педагогика коллежини битирганлар касб-хунар кол-лежиде ўқитувчи сифатида ишласа бўладими?

**Н. ЖАЛИЛОВА.**  
Ғиждувон тумани.

**ЖАВОБ:**  
— Бугунги кунда республика-миз педагогика коллежларида мусиқа ходими, ихтисослашти-рилган (махсус) ва бошланғич таълим муассасалари тарбиячи-си, мактабдан ва синфдан таш-қари тарбиявий ишлар ташки-лотчиси, жисмоний тарбия ва болалар спорт бўйича мураб-

бий, мактабгача таълим муасса-салари тарбиячиси касблари бўйича кичик мутахассислар тай-ёрланади.

Вазирият Маққамасининг 2012 йил 6 июлдаги «Ўзбеки-стон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг биринчи иловаси, 30-бандига мувофиқ, академик лицейлар ва касб-хунар колле-жлари тегишли олий маълумот-га эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиши белгиланган.

**Р. РУСТАМОВ,**  
Ўрта махсус, касб-хунар таъли-ми марказининг масъул ходими.

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

## Ислохотлар самарасидан қувончлар чексиз

Ховос туманидаги «Чаманзор» маҳалласида аҳолининг асосий қисми ёшлар ва хотин-қизлар. Уларнинг бандлигини таъминлашда йиғин фа-оллари бераётган кўмак таъсирга лойиқ. Бирги-на 2015 йилда маҳалла ҳудудидеги тадбиркор Райҳона Жабборова то-мондан ташкил этил-ган «РАЙТЕКС» корхона-сига 25 нафар ёш ишга жойлаштирилган бўлса, 20 нафар хотин-қиз чор-вачиликка ихтисослаш-ган «Ҳожи Гадоё» фер-мер хўжалигида доимий иш ўрнига эга бўлди.

килотлар билан ҳамкорликда ҳаф-танинг ҳар жума кунини ўтказиб ке-линаётган бўш иш ўринлари яр-маркасида фаол қатнашамиз. Бу-нинг натижасида битирувчилари-миз ўз мутахассислиги бўйича иш берувчи корхона, ташкилотлар билан шартнома имзолашга му-ваффақ бўлишмоқда.

Тумандаги Гулбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғинининг янги иш ўринлари яратиш тажрибасини намуна сифатида кўрсатса арзий-ди. Ҳозирги пайтда тўққиз минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ушбу ҳудудда 47 та тадбиркорлик субъекти, 11 та ху-сусий дўкон, 5 та ошхона, 2 та сартарошхона, 1 та «Гўзаллик са-лони» ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Унлаб ёшлар ана шу тадбиркорлик субъектлари орқали доимий иш ўринлари би-лан таъминланган.

ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ

## Ҳушёрлик ва зийраклик — фаолият мезони

Икки қўлида катта сумка кўтариб олган, қўриқил-дан бу ериққа ўхшамайдиган аёлга такроран дуч келган Душам ака ҳушёр тортиди. Утган гал «меҳмонлар» деган хаёлда инамаганда, бугун у билан суҳбатлашиб вазият-ни оидинлаштиришга жазм этди.



— Кечирасиз, опа, меҳмон-га ўхшайсиз, кимникига кел-япсиз? — сўради у.

— Шу кўчанинг бошида ту-радиган опаникига, — жавоб берди аёл.

— Туғишган опангизми у? — яна саволга тутди Душам ака.

— Холамнинг қизи. Сиз ни-мага сўроқ қилаясиз мени, ту-шунмадим...

— Шунчаки ўзим, узр, сиз-ни бир қариндошимизга ўх-шатдим...

ки бу ерда бошқа гап ҳам бор-дир, — деди сардор маслаҳат-чи маълумот учун миннатдор-лик билдираркан.

Ҳақиқатан ҳам, Тамарахон «аршинмолчилик» баҳонасида бошқа мақсадни кўзлаган экан. У қарзга ва арзонга мол бериб, маҳалла хотин-қизларининг ишончига киргач, латта-путтага ўч, содда мижозларни саралаб, чет элга «катта даромади» иш топиб бериши мумкинлигини айта бошлади. Ҳаммасини зим-дан кузатиб юрган сардор бу ҳақда зулиқ билан профилак-тика нозирига хабар беради...

— Маҳалламизда кичик биз-несни ривожлантириш, ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйишда барча имкониятлар ишга солинмоқда, — дейди йи-гин раиси Сойибназар Жумана-заров. — Айни пайтда ҳудуди-мизда 14 та савдо дўкони, 5 та маиший хизмат кўрсатиш тар-моғи, 3 та чойхона, 2 та сарта-рошхона, 2 та болалар боғчаси, мусиқа ва спорт мактаблари фа-олият юритаётган. Улар маҳалла-дошларимизга сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшаётган.

Тадбиркорлик субъектлари кафолатли иш ўринлари ярати-ши ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Айниқса, уларнинг Ховос транспорт касб-хунар кол-лежи битирувчиларини иш би-лан таъминлашдаги ҳамкорлиги яхши самара берипти. 2015 йил-да 332 нафар йигит-қиз касб-хунар коллежларини тамомлади. Улардан 285 нафари мутахассис-лиги бўйича ишга жойлаштирил-гани эса эътирофга лойиқ.

— Утган ўқув йилида 300 на-фардан кўпроқ ёш коллежни та-момлади, — дейди Ховос транс-порт касб-хунар коллежи дирек-тори Кароматулла Бобоқовов. — Уларнинг муайян касб-хунар эгаллаши ҳамда ўз фаолиятла-рини бошлашлари учун қатор таш-

қисқагина сўхбат «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузил-маси сардори Душам Намозов-нинг кўнгилда шубҳа уйғотди. Чунки «меҳмон» айтган кўча бошидаги уйда узоқ муддат оиласи билан чет элга ишлага-ни кетган, эри ва икки ўғли ўша ёқда қолиб, ёлғиз ўзи қайт-ган аёл яшарди.

Душам ака маҳалла идора-сига келгач, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича мас-лаҳатчиси Дилрабо Жумаева билан маслаҳатлашди. Масла-ҳатчи «меҳмон» келган хона-донга яқин турувчи қўшни аёл-лар билан телефонлашиб, бир зумда вазиятга аниқлик кирит-ди: юк кўтарган аёл водийлик Тамарахон экан, Қўқон бозо-ридан кийим-кечаклар келти-риб, арзон нархда сотармиш, ҳатто қарзга ҳам берармиш.

— Бу қўнунчиликка зид, савдо-сотикнинг ҳам тартиб-қоида бор, ахир. Майли ар-қонни узун ташлайлик-чи, бал-

ки бу ерда бошқа гап ҳам бор-дир, — деди сардор маслаҳат-чи маълумот учун миннатдор-лик билдираркан.

Ҳақиқатан ҳам, Тамарахон «аршинмолчилик» баҳонасида бошқа мақсадни кўзлаган экан. У қарзга ва арзонга мол бериб, маҳалла хотин-қизларининг ишончига киргач, латта-путтага ўч, содда мижозларни саралаб, чет элга «катта даромади» иш топиб бериши мумкинлигини айта бошлади. Ҳаммасини зим-дан кузатиб юрган сардор бу ҳақда зулиқ билан профилак-тика нозирига хабар беради...

Ун икки йилдан буён Қи-зилтепа туманидаги «Бўлақар-бот» маҳалла фуқаролар йиғи-нининг «Маҳалла посбони» жа-моатчилиги тузилмаси сардори вазифасида ишлаётган Д.Намо-зовнинг фаолиятида бунга ўх-шаш воқеалар бир неча марта рўй берган. У ҳамма ҳушёрлик ва сергаклик билан ҳудуд осо-йишталари ҳамда барқарор маъ-навий муҳитни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

— Юртимиз келажиги ва миллатимиз тақдирини биз олиб бораётган тарбия ҳал қилади, — дейди Д.Намозов. — Шу боис тарбияга лоқайд қараш Ватанга хиёнатдир. Чунки туғилган ма-рқонига, халқига хиёнат қилган кимса яхши тарбия кўрмагани боис шу йўлга кирган бўлади. Телевидениеда намоийш қилин-ган «Қиёматга қолган қарз» кўрсатувида ёт оқимлар таъси-рига берилиб, террорчилар са-

фига қўшилган юрт хоинлари кўрсатилди. Афсуски, уларнинг орасида бизнинг тумандошлари-миз ҳам бор экан. Шундан ху-лоса чиқариб янада ҳушёр бўли-шимиз, фарзандларимизни ёвуз ниятли тўдалар фитнасида ас-рашимиз, уларни тўғри йўлга бошлашимиз керак.

Д.Намозов фуқароларни, ай-ниқса, ёшларни дунёда рўй бе-раётган воқеа-ҳодисалар, гло-баллашув жараёнидаги мафку-равий курашлар тўғрисида огоҳ-ликка даъват этади. Бунинг учун у мунтазам равишда ўз били-мини оширишга ҳаракат қила-ди, давлатимиз қўнунчилиги бо-расидаги янгиликлар билан та-нишиб боришга интилади.

— Соғлом турмуш тарзи де-ган иборани айримлар тибби-ётга тегишли деб ўйлайди, бироқ бу фақат тиббиётга эмас, маънавиятга, инсоннинг ички оламига ҳам дахлдор масала, — дея сўзида давом этди посбон.

— Негаки, соғлом турмуш тар-зига амал қилиш учун, бирин-чи гада, соғлом фикрлаш ке-рак. Ана шундагина инсон ўзини ноқонон хатти-ҳаракатлар-дан, иллатлардан тия билади.

Д.Намозов маҳалла ёшлари-нинг қалбида ҳарбий ватанпар-варлик туйғусини шаклланти-ришга ҳам эътибор қаратиб кел-моқда. Унинг йўл-йўриги билан Курулчи Кучлар сафида муддат-ли ҳарбий хизматни ўтамоқда, 12 нафар йигит аскар бўлиш иш-тиёқда тайёргарлик кўрмоқда.

Маҳаллада сардорнинг таш-килотчилигида фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий са-воҳонлиги ва маданиятини юк-салтириш, соғлом турмуш тар-зини тарғиб қилиш, огоҳликка чақириш мақсадида ҳуқуқ-тар-тибот идоралари вакиллари ҳамда мутахассислар иштироки-да турли тадбирлар мунтазам ўт-казиб келинмоқда. Беш йилдир-ки, маҳаллада вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳолатла-ри содир этилмади, ноқонуний миграция кўрсаткичи кескин камайган, қўни-қўшнилар аҳлу инок, маҳалла тинч, фуқаролар хотиржам.

## Иқтидорга яраша имтиёз бор

**САВОЛ:**  
— Ўғлим ҳозир учинчи синф-да ўқитган бўлса-да, бешин-чи-олтинчи синф дарсликлари-даги масала ва мисолларни қи-йинчилиқсиз ечяпти. Дарслар-ни ўқатириши тенгдошлари-ниқидан анча юқори. Шунинг учун ўғлимни синфдан синфга ўтказиш мумкинми?

**И. ТИЛЛАБОВЕВ.**  
Яйпан тумани.

**ЖАВОБ:**  
— Синфдан синфга ўтказиш

амалдаги меъёрий ҳужжатларда назарда тутилмаган бўлса-да, мам-лакатимизда иқтидорли ўқувчилар учун турли фанларни чуқурлаш-тириб ўқитишга ихтисослашти-рилган 204 та мактаб ва 129 та мактаб-интернат мавжуд. Фарзан-дингизни қизиқишига қараб маз-кур таълим муассасаларидан би-рига беришингизни тавсия этаемиз.

**Ҳ. САМАНДАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг Таълим муассасалари фаоли-ятини ташкил этиш бош бош-қармаси бош назоратчиси.

## Ёш чегараланмаган

**САВОЛ:**  
— Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида ўқишга кириш учун ёш цензи белгиланганми?

**Б. АРБОБОВ.**  
Бойсун тумани.

**ЖАВОБ:**  
— «Таълим тўғрисида»ги қо-нуннинг 4-моддасида жинси, бо-лалиги, этники, динга муно-сабати, ижтимоий келиб чиқи-ши, хизмат тури, ижтимоий мав-қеи, тураржойи, Ўзбекистон ху-дудиде қанча вақт яшаётганидан

қатъи назар, ҳар кимга билим олишга тенг ҳуқуқлар кафолат-ланган. Бундан ташқари, Вази-рлар Маққамасининг 2010 йил 18 июндаги «Олий таълим муасса-саларига қабул қилиш, талаба-ларни ўқитишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқитишдан четлашти-риш тартиби тўғрисидаги низом-ларни тасдиқлаш ҳақида»ги қа-рори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларининг бака-лавриятга талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги ни-зомда ҳам фуқароларимизга олий маълумот олиш учун ёш бўйича чеклов белгиланмаган.

## Қонун барчага баробар

**САВОЛ:**  
— Олий ўқув юртида ўқиш пайтида жиноий жавобгар-ликка тортилган, озодликдан махрум этилган талаба ўқиш-дан ҳайдаладими?

**Ғ. АСАДОВ.**  
Ғузор тумани.

**ЖАВОБ:**  
— Мазкур қарор билан тасдиқ-ланган «Олий таълим муассасала-

ри талабалари ўқитишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқитишдан четлаш-тириш тартиби тўғрисида»ги ни-зомнинг IV бўлим 30-бандига му-вофиқ, талаба суд томонидан озодликдан махрум этилганлиги муносабати билан талабалар са-фидан четлаштирилиши мумкин. Ўқитиш давом эттириш масаласи қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**Х. ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
ҳуқуқшунос.

Тошпўлат  
ҲАЙИТБОВЕВ  
«Mahalla»

Холбиби  
САФАРОВА  
«Mahalla»



## ҚУЛАЙЛИК

Майдончадан нафақат кичкинтойлар,  
катталар ҳам миннатдор

Қишнинг айна чилласи бўлса-да, ҳаво илқ. Жиззах шаҳри «Иттифоқ» маҳалласидаги болалар майдончаси эса ҳар галгидек кичкинтойлар билан гавжум. Атрофга уларнинг шўх-шодон кулгилари таралади.

Рўзор юмушларини тутатган Моҳирахон деразадан болалар майдончасини кузатди. Қий-чув авжида. Фарзандлари Бехрузбек ва Шарофжон майдончага чиқиб кетишганига анча бўлганди. Дилбандларидан хабар олгани у майдончага йўл олди. Болаларнинг уйин билан бандлигини кўриб кўнгли таскин топгач, майдонча атрофидаги ўриндиқларда гурунглашиб ўтирган қўшнилари даврасига қўшилди. Бир аёл телесериалда кўрган воқеалари тафсилоти ҳақида гапирса, иккинчиси бундай ҳодисалар ён-атрофда ҳам учраб туришини, ўғил туғмадинг деб хотинининг «ранги»ни чиқармаётган куёвлар ўзларининг маҳалласида ҳам борлигини куюниб сўзлар эди.

— Қўйинлар, шу ортиқча гапларни, — деди ниҳоят кўшни аёл Шоҳиста Холбоева. — Ундан кўра шаҳримизда, вилоятимизда бўлаётган ўзгаришлардан гаплашайлик. Бу йил маҳаллаларда қурилиш, ободонлаштириш ишлари кўлами яна ҳам кенгайар экан. Айниқса, болалар майдончалари, сав-

до ва хизмат кўрсатиш шохобчалари кўпаяркан. Телевизорда айтишибди-ку! — Ҳа, қўшни, нимасини айтасиз, хўп замонлар бўлди-да, — дея гапга аралашди Сурайё Очилова майдончада бутун маҳаллани бошига кўтариб ўйнаётган болалардан кўзини узмай. — Бахтиёр болалик деб шунга айтсалар керак. Бизнинг давримизда бунақа майдончалар қаёқда эди. Энди эса шаҳримиздаги қайси маҳаллага борманг, болалар майдончасига кўзингиз тушади.

Қўшилари гурунгига бироз кечиккан Моҳирахон гап нима ҳақда бораётганини дарров тушунди. Сурайёхон сўзларини тутатганга гапга Моҳирахон қўшилди.

— Нимасини айтасиз, Сурайёхон, ана шундай шароитларни яратиб берганларнинг қўллари дард кўрмасин. Бу майдончаларнинг ташкил этилиши нафақат фарзандларимиз учун, балки биз, катталар учун ҳам бир қатор қулайликлар яратди.

Жиззах воҳасида бундай хайрли ишларнинг бошланганига анча вақт бўлди. Биргина Жиззах шаҳрининг ўзидаги қатор маҳаллаларда 2014 йилдан бери йигирмага яқин дам олиш хиббони, болалар майдончалари барпо этилди. Кенг қўламдаги қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилган ушбу масканлар таркибида сунъий қопламали футбол ва болалар майдончалари ҳам қурилди. Бу йил ҳам ана шундай бунёдкорлик иш-

лари жадал давом этади.

Бундай мажмуалардан 3 таси шаҳарнинг «Иттифоқ» маҳалласида барпо этилди. Ҳар бир мажмуа таркибида болалар майдончаси, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Кенглиги 50-70 квадрат метрли сунъий қопламали футбол майдончаларида катталар ҳам, болалар ҳам бўш вақтларини кўнглили ўтказишлари учун барча қулайликлар яратилган.

— Маҳалламиз аҳли, асосан, кўп қаватли уйларда истиқомат қилади, — дейди йигин раиси Раҳима Ризаева. — Маҳалламиз шаҳардаги гавжум худудлардан бири. Шунинг учун тўрт жойда болалар майдончаси, дам олиш хиббонлари ташкил этдик. Жамоат жойларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш борасида катта ишлар қилинапти. Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш яхшиланяпти.

— Маҳалладаги 4-қўп қаватли уйнинг 32-хонадонига яшаймиз, — дейди Шоҳиста Холбоева. — Болалар майдончасида фарзандларимиз учун барча имкониятлар мавжуд. Қизим Дилнура кўли бўшади дегунча майдончага югуради. Бу ер нафақат уйнайдиган, балки болаларнинг бир-бирлари билан дўстлашадиган, уларнинг бўш пайтларини кўнглили ўтказадиган, қолаверса, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланадиган масканга айланган.

Яратилган бундай қулайликлар туфайли шамба, яқшаба кунлари барча маҳаллалардаги болалар майдончалари байрам тусини олади. Бу ерда турли спорт мусобақалари, маданий-маърифий талбирлар уюштириладигани аҳолининг бўш вақтларини кўнглили ўтказишларида кўл келяпти.

— Эндиликда дам олиш кунларини кўни-кўшиллар билан интизорликда кутамиз, — дейди Тўлқин Тоғаев. — Негаки, шу кунлари маҳалламиздаги болалар майдончасида турли мусобақалар уюштирилади. Маҳалла фаоллари томонидан уюштирилаётган талбирларда иштирок этиб, аввало, дам олиш кунларини кўнглили ўтказамиз. Қолаверса, беллашуларда иштирок этиб, спорт билан шугулланяпти. Бу талбирларнинг соғлиғимизни тиклашдаги аҳамияти беқийёс.

Бугунги кунда маҳаллаларда дам олиш масканлари ва болалар майдончалари ташкил этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Йил охирига қадар қулайликларга эга яна ўнлаб ана шундай майдонча барпо этиш мўлжалланяпти.

Бекпўлат ТОҒАЕВ  
«Mahalla»

## ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

## Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

Юртимизда ёш авлодни спорт машғулотирига кенг жалб этиш, уларда соғлом турмуш тарзи кўнжмаларини шакллантириш учун барча шароитлар яратилган. Чунинчи, спорт залларининг ўзимида ишлаб чиқарилаётган анжомлар билан жиҳозланаётгани таъсирга лойиқ.

Зеро, импорт ўрнини босадиган спорт жиҳозларининг ишлаб чиқарилиши давлат сарф-харажатлари қисқариши, ички бозорни миллий, рақобатбардош ҳамда ҳамёнбоп маҳсулотлар билан тўлдириш имконини беради.

Буни Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» корхонасида импорт ўрнини босувчи, замон талабларига мос спорт буюмлари, тиббиёт, ўқув ва лаборатория жиҳозлари сингари 300 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани мисолида кўриш мумкин. Изланувчан жамоа 2012 йилда ўқув-машғулотирига мўлжалланган спорт қайиқлари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйишга эди.

— Одатда янги тайёрланаётган маҳсулотлар 2-3 ой давомида синовдан ўтказилиб, зарур тавсия ва тақризлар олинди, — дейди корхона раҳбари Ўқтам Саидмуродов. — Айтиш мумкинки, шундай усул орқали такомиллаштирилган қайиқларимиз хоржилик мутахассислар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Шу бонс бизнинг қайиқларга хоржий мамлакатларда ҳам талаб юқори.

Шу ўринда бир маълумот. Спортнинг байдарка ва каноэ турлари учун қайиқ-

лар дунёнинг санқли давлатларида ишлаб чиқарилади. Самарқандлик санатчиларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти юртимизда мазкур спорт турининг янада оммалашуви, айниқса, иқтидорли ёш спортчиларни тайёрлашга муносиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатимиздаги спорт жиҳозлари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан бири ҳисобланган «Стеклопластик» очик акциядорлик жамиятида 60 га яқин спорт жиҳозлари ва буюмлари тайёрланмоқда.

— Корхонамиз маҳсулотлари, асосан, Халқ таълими вазирилик, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси буюртмалари асосида ишлаб чиқарилади, — дейди Ў.Саидмуродов. — Айтиш мумкинки, айни пайтгача юртимиздаги мингдан зиёд спорт заллари корхонамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан жиҳозланган.

Талбиркорлик субъектларида олинган даромад ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бир йил аввал ўтказилган модернизация ва техник қайта қуриш ишлари давомида Туркиянинг «Эрмаскан» фирмасидан компьютер орқали бошқариладиган бешта дастоҳ келтириб ўрнатилди. Натижада металл қайта ишлов берадиган дастоҳ ишга туширилиб, гимнастика, қолаверса, оғир атлетика спорт инвентарларини тайёрлаш имкони яра-



ЎЗА СУРАТИ.

тилди. Электрон бошқаруви тунука прокати дастоҳи эса армрестлинг ва теннис столлари учун ўта аниқ ўлчамлар олишга хизмат қилмоқда. Корхонанинг «Галваника» цехида спорт анжомлари никель ва хром қопламаси билан жиҳозланаётди. Шунингдек, сув ҳавзалари учун пластмассадан тайёрланган йўлакчалар ва футбол майдонлари учун икки турдаги ўриндиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дарвоқе, корхона томонидан совға сифатида Самарқанд туманидаги «Равонак», «Шўрбон», «Чумқўди» ҳамда «Янгиариқ» маҳаллаларига, шунингдек, ҳудуддаги бир қатор умумтаълим мактабларига мебель ва спорт жиҳозлари етказиб берилди. Натижада бугун мазкур таълим муассасаларида спортга ошно тутинаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда.

Ёқубжон МАРҚАЕВ  
«Mahalla»

## Дунё бўйлаб

## Безгак таҳдиди

«Зика» билан касалланган ҳолат



XXI асрда пайдо бўлган «эбола», «корона»,

H1N1 ва H5N1 каби вируслар минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий веб-сайти (who.int.org)да баён этилишича, ушбу безгаклар сафига яна бир янги — «зика» вируси ҳам қўшилиб, айни кунларда бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда.

Эслатиб ўтамиз, шу пайтгача чўчка ва эбола вирусларидан жуда кўп одам азият чекди.

## Роботлар хизмати

Япониянинг Киото шаҳрида барпо этилган иссиқхонада фақат роботлар ишлайди.



«The Japan Times» нашрининг инглизча версиясида ёзилишича, роботлар ўсимликларни парваришда инсон ёрдамига муҳтож эмас. Роботлар 4400 квадрат метр майдонда ҳар куни 30 минг тонна карамбарг (латук) етиштирилади. Шу пайтгача латукларнинг уруғи инсонлар томонидан ўстирилди. Эндилик-

да бу иш ҳам «темир одам»ларга ишониб топширилади.

## Вулқон уйғонди

Мексика ғарбидаги Колима вулқони ҳаракатга келди.



Тоғ чўққисидagi лаванинг отилишини олимлар тасвирга олишга муваффақ бўлишди, дейилади lenta.ru сайтида. Вулқон тутунлари 3 километр баландликкача кўтарилган.

Интернет хабарлари асосида  
Жўрабек ЖўРАЕВ тайёрлади.

## ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Mahalla» газетасининг чоп этилган сонларини белгиланган вақтларда Сизнинг манзинингизга етказиб бериш бўйича тахририятнинг қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

(0 371) 233-10-92;  
Факс: (0 371) 233-10-73.

Обунани ташкил этиш ва тарқатиш бўлими.

AGROBANK

“Moody’s”

халқаро рейтинг  
агентлиги 2016 йил 1 февралда


“Агробанк”  
акциядорлик тижорат банкининг  
халқаро рейтингини

“Барқарор”

деб баҳолади

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,  
маданий, маърифий газета


Муассис: Ўзбекистон  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди  
республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда  
0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:  
Қабулхона: (0 371) 233-39-89,  
Котибият: (0 371) 233-44-25,  
Факс: (0 371) 233-10-73.

Нашр кўрсаткичи: 148



Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба  
ва шамба кунлари чоп этилади.

26000 нусхада чоп этилди.

Газета тахририят компьютер марказида  
саҳифаланди, офсет усулида босилди.  
Формати — А-2, 2 босма табоқ.

Навбатчи: Т.Низомов  
Мусаххиллар: Н.Азимова,  
М.Назарова  
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов  
Саҳифаловчи: Л.Мейликов

Буюртма S-5065

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй.  
Индекс: 100000

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Топшириш вақти — 21.00

Топширилди — 21.00